

**Хитой адабиси Фан Сяотинг (范小青) ижодида реалистик
тамойиллар табиати**

**ТошДШУ Хитойшунослик факультети,
“Хитой филологияси” кафедраси доц.в.б., PhD
Назирова Шукрия Миадовна**

Тел: +99890 97 7419110, e-mail: doston088@mail.ru

XX асрнинг сўнгги чорагида амалга оширилган ислохотлар, аҳоли сонининг кўплиги, бир маромдаги иқтисодий ўсиш ва бошқа омиллар Хитойни дунёнинг етакчи мамлакатлари сафига киришига, жаҳон сиёсати майдонида ўз овозига эга бўлишига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси маданият, маънавият, санъат ва адабиётга ўзининг жиддий таъсирини кўрсатиши табиий ҳолатдир.

Аср бошида Хитойдаги барқарор иқтисодий ўсиш ва нисбатан сиёсий барқарорлик хитой адабиётининг жамоатчилик ҳаётининг перефириясига қоришиб кетишига олиб келди. XX аср охириги ўн йиллигида бозор муносабатларининг жадаллашуви адабиётнинг **деидеологизациясига**, уни оммавий маданият билан тўқнашувига олиб келди ва тижорий рақобат шароитига қўйди. Бундай шароитда неореализм ривожланди, оддий инсон ҳаётини ҳеч қандай безаксиз, натуралистик тасвирлаш тамойили кузатилди ва аёллар адабиётида психологик наср ривожланди. Адабиёт анъаналарига қарши, ҳар қандай таъқиқ ва чекловларни инкор қилувчи «индивидуал услуб» тарафдорлари чикди. Айнан шу ўн йилликда тижорий мақсадда эротика, саргузашт ва детектив руҳдаги кўплаб асарлар яратилди¹. Адабиёт оламига XX асрнинг 70-йилларида туғилган ёзувчилар авлоди кириб келди. Шунингдек, бу даврда нисбатан катта авлод ҳам ўз ижодий фаолиятида

¹ Китайская проза XXI века. С.4

давом этди. Умум адабиёт кесимида аёллар адабиёти сифат жихатдан катта ўзгаришларни бошидан кечирди. Энди ёзувчилар ўтган асрдаги каби сохта идеаллар, ислохотлар, синфий манфаатларни эмас, уларнинг инсонлар тақдирига таъсири, асоратлари ҳақида ёза бошладилар. Уларнинг асарларининг қаҳрамонлари сиёсий йўлбошчилар, раҳнамолар эмас, оддий ишчилар, хизматчилар. Шаҳар ва қишлоқлардаги турмуш тарзининг қиёси, анъаналар ва янгиликларнинг тўқнашуви, инсонларнинг «янги дунё», мегополисларга мослашиши, одамларнинг маиший турмуш тарзидаги ўзгаришлар тасвири кенг ўрин эгаллади.

XXI аср дастлабки ўн йиллигида ҳам наср ва назмда кўплаб аёллар ижод қилди. Мазкур фаслда ижоди нафақат хитой, балки хорижлик ўқувчи ва мунаққидлар эътиборига тушган, адабиёт соҳасидаги нуфузли мукофотларга сазавор бўлган адибаларнинг асарлари таҳлилга тортилди. Булар Тяо Йэ (乔叶), Лу Мин (鲁敏), Фан Сяотинг (范小青), Вэй Вэй (魏微), Чи Цзицянь (迟子建) лардир. Уларнинг ижоди замонавий хитой реалистик адабиётининг бадиий баркамол намуналари бўлиши билан бирга аёллар адабиёти хусусиятларини ўзида акс эттирганлиги билан ҳам эътиборга моликдир. Бу давр аёллар насрида қисса, ҳикоя, эссе каби жанрлар етакчилик қилди.

XXI аср аёллар адабиётининг таниқли намояндаларидан бири адиба Фан Сяотинг (范小青) 1955 йилда Шанхайда туғилган. 1982 йилда Цзянсу педагогика институтини тугатган ва шу ерда ўз меҳнат фаолиятини, ижодини эса 1980 йилларда бошлаган. 1985 йилдан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ҳозирда Цзянсу Ёзувчилар Уюшмасининг раиси. 17 та роман, 200 дан ортиқ ҳикоя ва қиссалар муаллифи. Кўплаб давлат мукофотларига сазавор бўлган. «Шаҳар туйғулари» (《城市表情》), «Ўртоқ аёл» (《女同志》), «Оёқланг шифокор Ван Цюанхе» (《赤脚医生万泉》) романлари билан машҳур. 2006

йилда ёзилган «Шаҳар ва қишлоқнинг қисқа тарихи» (《城乡简史》) ҳикояси учун Лу Син номидаги мукофот билан тақдирланган.

Адибанинг асосий қаҳрамонлари оддий ва соддадил деҳқонлар.

«Шаҳар ва қишлоқнинг қисқа тарихи» ҳикоясининг бош қаҳрамони Цзицин. Муаллиф ҳикояда характери бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган эр ва хотин образини яратади. Бу, энг аввало, эр ва хотиннинг китобларга муносабатида намоён бўлади. Цзицин – китобсевар, китобни маънавий бойлик манбаи деб қарайди ва китоб сотиб олиш учун маблағини аямайди. Унинг хотини эса аксинча, китоб уйни тўлдириб қўяётганини, ундан чиққан чанг соғлиқка зарар эканини рўқач қилиб китобларни сотиш тарафдори. Шу ўринда иккинчи муаммо юзага чиқади: китобларни ҳозир ҳеч ким сотиб олмайди, техника ривожланган янги асрда Цзициннинг кутубхонасига ўхшаш ўнлаб кутубхонанинг китобларини битта дискка сиғдириш мумкин. Цзицин китобларини сотишга кўзи қиймай, уларнинг қадрига етадиган дўстига совға қилишга қарор қилади. Аммо у дўстининг хотини «кераксиз матоҳдан қутилмоқчи бўлаётган»ларнинг совғасини қабул қилмаймиз деб туриб олади. Охир оқибат у китобларининг маълум қисмини мактаб ва қашшоқ ҳудудларга китоб йиғадиган хайрия фондига топширади. Ҳикояда бир маромда кетаётган воқеа оқими Цзициннинг кирим-чиқим дафтари йўқолиб қолганлиги ҳодисаси туфайли тамомила бошқа ўзанга бурилади. Ҳикояда кирим-чиқим дафтари детал сифатида катта аҳамият касб этади. Цзициннинг ўзига хос характери айнан шу детал орқали юзага чиқади. Ваҳоланки, кирим-чиқим дафтари кўпчилик одатий турмушда тутадиган қайд дафтари. Амма Цзициннинг ўзига хослиги шундаки, у бу дафтарга ҳар бир харид қилган нарсасининг қачон, қаерда, қандай вазиятда, нима сабабдан сотиб олганини батафсил ёзадиган одати бор эди. У баъзан шу қадар тафсилотларга берилиб кетардики, натижада харид қилинган молдан кўра

унинг атрофида содир бўлган ходисалар баёни кўпроқ жойни эгаллар эди.

Цзициннинг кирим-чиқим дафтари эҳсон қилинган китоблар орасида бўлиб, тасодифан бир қишлоқдаги мактаб ўқувчиси қўлига тушади:

«午饭后毓秀说她皮肤干燥，去美容院做测试，美容院推荐了一款香薰精油，7 毫升，价格：679 元。毓秀有美容院的白金卡，打七折，为 475 元。拿回来一看，是拇指大的一瓶东西……»².

«Тушдан кейин Юйсю териси қурушиб кетганлиги сабабли косметика салонида синов муолажасига боргани ва у ерда косметолог унга 679 юан турадиган етти миллилитрли хушбўй ёғ тавсия қилганини айтади. Юйсюда доимий миждозларга бериладиган платина картаси бор бўлгани учун, бу сеҳрли модда унга ўттиз фоизли чегирма билан атиги 475 юанга тушиди. У уйга қайтиб бориб кўрса, бош бармоқдек катталикдаги бир шишача нарса эди».

«Асарни серсув қиладиган нарсалардан бири кўрсатиши ўрнига сўзлаб беришдир»³ деган қоида бу ўринда яққол кўзга ташланади. Ҳикояда муваффақиятли қўлланилган детал муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда кирим-чиқим дафтари детал вазифасини ўтайди. Айнан шу дафтардаги хушбўй ёғининг нархи оддий қишлоқда яшовчи хонадоннинг эътиборини тортади ва оилада шаҳарликлар шундай қиммат нарсаларни сотиб олишга қурби етаркан деган қизиқиш орқасидан шаҳарга кўчиш тараддудига тушади:

«说起来也太不可思议，就是因为账本上的那四个字“香薰精油”，王才想，贼日的，我枉做了半辈子的人，连什么叫“香薰精油”都不知道，我要到城里去看一看“香薰精油”»⁴.

²范小青：《城乡简史》.- 人民文学出版社，2001 年，10-25 页

³ Қодирий А. Кичик асарлар. Тошкент，1969. – Б.201.

⁴范小青：《城乡简史》.- 人民文学出版社，2001 年，10-25 页

«Бировга айтсанг қулоғига ишонмаса керак. Кимнингдир дафтарчасида учраган «хушбўй ёғ» сўзини деб Ванг Цай ўйланиб қолди: жин урсин, мен ярим умрини яшаб қўйган одам хушбўй ёғ нималигини билиш тугул, эшитмабман ҳам, шаҳарга ҳеч бўлмаса шу «хушбўй ёғни» кўриши учун ҳам бориш керак».

Ванг Цай ўз оиласи билан Цзициннинг дафтарчаси муковасида кўрсатилган шаҳарга кўчиб келади. Цзицин эса аксинча, дафтарини излаб Ванг Цай яшаган Ганьсу қишлоғига келади. Аммо оилани топа олмагач, ўз шахрига қайтади.

Адиба тасодиф воқеалардан унумли фойдаланади. Шундай тасодифлардан бири Ванг Цай оиласининг Цзицин уйи ёнидаги гаражни ижарага олганлигидир. Шу воқеа сабабли улар танишиб олишади ва илиқ муносабатлар шаклланади.

Ванг Цай меҳнати эвазига яхши маош ола бошлайди. Айнан шу дафтарча уни қолоқ қишлоқдан ҳаёт қайнаган шаҳарга олиб келади. У ҳар куни Цзициннинг дафтаридаги қайдларни ўқийди ва уни амалга тадбиқ этади. Ўзи ҳам қирим-чиқим дафтари тутиб кўрган-кечирганларини ёза бошлайди.

Ҳикояда энг муҳим ғоя шундаки, айнан, шу дафтарча туфайли Ванг Цай оиласининг ҳаёти бутунлай ўзгаради. Муҳими у шунчаки қирим-чиқим дафтари эмас, балки Цзициннинг синчковлиги, атрофида содир бўлаётган воқеаларга бефарқ эмаслиги туфайли ҳаётининг тажриба дафтари эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу билан адиба дунёда ҳеч бир ҳодиса бирор бир сабабсиз содир бўлмаслигини, унинг албатта натижаси бўлиши ҳақидаги ғояни илгари суради.

Ҳикоянинг сарлавҳасиданок шаҳар ва қишлоқ ҳаётининг муқояса қилинишига ишора сезилади. Ҳикояда ҳар бир эпизод (хушбўй ёғ, орхидея

капалак, Ванг Цайнинг туши) ва ҳолатлар қаҳрамонларнинг психологияси ҳамда улар орқали ўша давр психологиясини очиб беради.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, барча адибалар ижодини бирлаштириб турувчи ягона хусусият бу уларнинг реалистик ижодий методда ҳаётнинг кенг қамровли манзараларини тасвирлашидир. Шунингдек, асар қаҳрамонларини танлашда ҳам улар асосан ўзлари яшаган ҳудуд одамлари, замондошлари, оддий инсонлар қиёфасини гавдалантирадилар. Маиший турмуш, кундалик ҳаёт тарзи тасвири орқали тарихий воқеликнинг реал манзаралари бадий жонлантирилади.